

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ВА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Болибеков Алишер – п.ф.н.,

Гулистон давлат университети

Таълим жараёнида илғор педагогик технологияларни фаол қўллаш, таълим самарадорлигини ошириш, таҳлил қилиш ва амалиётга жорий этиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Ўқувчиларнинг фикр доираси, онги, дунёқарашларини ўстириш, уларни эркин тингловчидан иштирокчига айлантириш ниҳоятда муҳимдир. Ўқитувчи дарсда бошқарувчи, ўқувчилар эса иштирокчига айланмоғи лозим. Ана шу вазифани уддалашда инновацион фаолиятнинг устунлиги ҳар томонлама самаралидир.

Бошланғич таълим умумтаълим мактабларининг бош бўғини бўлгани сабабли ана шу жараёнда ўқувчи шахсининг мукамал ривожланиб боришига кўпроқ эътибор бериш лозим. Бошланғич синф ўқувчиларининг масъулиятлари чексиздир. Улар мактаб остонасига эндигина қадам қўйган ўқувчиларни мактаб ҳаётига кўниктириб, замонавий билим олишларига йўл очиб берадилар. Буларнинг ўқишга муносабатлари, ақлий салоҳиятлари ана шу даврда шаклланади. Бу ҳам бошланғич синф ўқувчиларининг вазифаси масъулиятли эканлигини кўрсатади.

Таълим жараёнида илғор педагогик технологияларни фаол қўллаш, таълим самарадорлигини ошириш, таҳлил қилиш ва амалиётга жорий этиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Ўқувчиларнинг фикр доираси, онги, дунёқарашларини ўстириш, уларни эркин тингловчидан эркин иштирокчига айланмоғи ниҳоятда муҳимдир. Ўқитувчи дарсда бошқарувчи, ўқувчилар эса иштирокчига айланмоғи лозим.

Бошланғич таълим умумтаълим мактабларининг бош бўғини бўлгани сабабли ана шу жараёнда ўқувчи шахсининг мукамал ривожланиб боришига кўпроқ эътибор бериш зарур. Бошланғич синф ўқувчиларининг масъулиятлари чексиздир. Улар мактаб остонасига эндигина қадам қўйган

ўқувчиларни мактаб ғаётига кўниктириб, замонавий билим олишларига йўл очиб берадилар. Болаларнинг ўқишга муносабатлари, ақлий салоҳиятлари ана шу даврда шаклланади. Бу ҳам бошланғич синф ўқувчиларининг вазифаси масъулиятли эканлигини кўрсатади.

Педагогик технологиялар асосида ташкил этилган дарслар ташкилий усуллари, ўтказиш методларига кўра ўқувчи эҳтиёжига мос тушиши керак. Чунки бундай дарслар бола руҳиятига яқинроқ бўлади.

Бошланғич синфда таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўқиш мотивини ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Чунки мотив ўқувчиларни таълим жараёнига қизиқтиради, дарсга фаол қатнашишга, билимларни эгаллашга ундайди. Интерфаол методлар ўқиш мотивини ривожлантиришга катта ёрдам беради.

Бошланғич синфларда кўпроқ болаларнинг ёшини, билим савиясини ҳисобга олиш лозимлигини унутмаслик керак. Уларга оддий, осон ва вақт кам сарфланадиган ўйин машқларидан фойдаланиб дарс ўтиш яхши самара беради. Кўпроқ атроф-муҳит билан боғлаб ўтилган машғулотлар болалар онгини, дунёқарашини, эркин фикрлаш, баён этиш қобилиятини, мустақил ишлаш кўникмасини ривожлантиради.

Инновацион технологиялардан дарс жараёнида фойдаланишнинг ўзига хослиги шундаки, улар ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти орқали амалга оширилди. Ўқитиш жараёни ўқитувчи ҳамда ўқувчилар фаолиятини ўз ичига олади. Ўқитувчининг фаолияти ўқув материални баён қилиш ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишини орттириш, фикрни теранлаштириш, Ўзбекистон шакллантириш, ўқувчиларнинг мустақил машғулотларигараҳбарлик қилиш, уларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш ҳамда баҳолашдан иборат. Ўз ишига ихлос билан қараган ўқитувчида чинакам эҳтирос бўлади.

Маълумки, ҳар бир дарс мавзусини ўрганишда ўзига хос технология, усул ва воситаларни танлашга тўғри келади. Ўқитиш жараёнида юқори натижага эришиш учун дарс жараёнини олдиндан танлашга тўғри келади.

Ўқитиш жараёнида юқори натижага эришиш учун дарс жараёнини олдиндан кетма-кетлигини мўлжаллаш керак бўлади. Бунда ўқитувчи предметнинг ўзига хос томонларини, ўқув жараёни ва шароитни, ўқувчиларнинг эҳтиёжи ва имкониятларини, билим савиясини, шароитга қараб ишлатиладиган технологияларни танлаши лозим.

Дарснинг тури босқичларида ҳар хил интерфаол усуллардан фойдаланса бўлади. Масалан, “Зинама-зина” технологияси.

Ушбу технология ўқувчиларни ўтилган ёки ўтилиши керак бўлган мавзу бўйича яққа ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш ҳамда ўзгартирилган билимларни ёдга тушириб, тўпланган фикрларни умумлаштира олиш ва уларни ёзма, расм, чизма кўринишида ифодалай олишга ўргатади.

Ўқувчилар бу технология орқали гуруҳларда ишлашга ўрганадилар, ўтилган мавзунини субъектив ўқитиш орқали мустақамлайдилар. Одобнома дарсларида “зинама-зина” технологиясини “Буюк аждодларимиз” ҳақидаги мавзунини қуйидагича ташкил қилиш мумкин. Топшириқ аввалида ўқувчилари тўрт гуруҳга бўлинади.

1-гуруҳга “Бизнинг аждодларимиз”,

2-гуруҳга “Аждодларимиз қолдирган мерослар

3-гуруҳга “Аждодларимизга муносиб фарзанд бўламиз”,

4-гуруҳга “Ҳозирги кун авлодлари” мавзулари бўйича билганларини ёзма ёзиш топшириғи берилади. Гуруҳлар топшириқни бажариб бўлгач, навбати билан ёзган маълумотларини доскага тагма таг иладилар.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион технологиялардан фойдаланиб, ўтилган дарсда ўқувчилар ўз қобилияти ва ўз имкониятларини намоиш қилишга эришадилар, жамоа билан ишлаш малакасига эга буладилар, ўзгалар фикрини ҳурмат қилишга ўрганадилар. Бу эса, дарснинг самарадорлигини ошириб, таълим сифатини кафолатлашга хизмат қилади.

Узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир босқичига педагогик технологияларни тадбиқ этишнинг назарий ва амалий асосларини очиб

беришга қаратилган илмий тадқиқот ишларининг суст олиб борилаётганлиги, махсус тавсияномаларнинг камлиги.

Юқорида қайд этилган муаммоларнинг ижобий ечимга эга бўлишини таъминлаш узлуксиз таълим муассасалари, шу жумладан, бошланғич таълим меҳнат таълими дарсларини интерфаол методлар асосида ташкил этиш муваффақиятини кафалатлайди.

Ўқув жараёнида ўқувчининг ўз-ўзига баҳо бериши, танқидий қараши ривожланади. Ўқувчи учун дарс кизиқарли ўқитилаётган предмет мазмунига айланади. Ўқиш жараёнига ижодий ёндашув, ижобийфикр намоён бўлади. Ҳар бир ўқувчининг ўзи мустақил фикр юрита олишга, изланишга, мушоҳада қилишга олиб келади. Интерфаол усулда ўтилган дарсларда ўқувчи фақат таълим мазмунини ўзлаштирибгина қолмай, балки ўзининг танқидий ва мантиқий фикрларни ҳам ривожлантиради. Хулоса шуки, бундай шароитда ўқитувчи юксак ривожланган фикрлаш қобилиятига, муаммолар бўйича чуқур мушоҳада юритишга, муаммоларни ўз вақтида еча оладиган қобилиятга эга бўлиш керак. Интерфаол методларда дарсни ташкил этишда ўқувчи шахсини ривожлантириш ўз-ўзига замин яратишдан бошланиши керак.

- ўзи мустақил мутолаа қилиши, ўқиши асосида билим олиши;
- ўз-ўзини англаб етишга, англаб тарбия топишга;
- ўз кучи ва имкониятларига ишонч билан қарашга;
- ўз меҳнатига масъулият ҳисси билан қарашга;
- ўз фаолиятини мустақил ташкил эта олиши, ҳар бир дақиқани ғанимат билишга;
- ўқув меҳнатига ўзида хоҳиш, истак уйғота олишга;
- ҳар қандай вазифада фаоллик кўрсата олишга;

Айниқса, ҳозирги тезкор ахборот технологияларидан унумли фойдалана олиши асосий ва бош мақсад қилиб олишга ўрганмоғи лозим.

Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда ўқувчининг ўзини ўзи ривожлантириш технологиясини яратиш педагогика, дидактика фани олдида ечимини кутаётган долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Интерфаол усуллар нималарни ўз ичига олади? Ҳозирги кунда мамлакатимиз методистлари, тренерлари, амалиётчи ўқитувчилар турли усулларни таклиф этишмоқда ва амалиётда қўлламоқда. Юқоридаги турли интерфаол усуллардан фойдаланиш, ўқувчиларни шу жараёнда ишлашга тайёрлаш кутилган натижаларни беради.